

# “ТАСДИКЛАЙМАН”



Навоий шаҳар  
Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи  
\_\_\_\_\_ М.И.Ортиқов

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Навоий-2022 й

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

Танлов предмети: Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармасига манзарали гул ва дарахтларсотиб олиш бўйича.

№	Кўчат номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Магнолия	дона	4
2	Голубой ель	дона	20
3	Атиргул штамп	дона	28
4	Газон (табiiй)	кв.метр	2100
5	Биогумус	тонна	11

1.2. Танловнинг юкори киймати **300 000 000 (Уч юз миллион)** сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилманди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Етказиб бериш муддати - аванс маблағи утказилган кундан бошлаб уч кунда.

## 2. ТАЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Навоий шаҳри Спутник қ С.Айний 107 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади,

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 2 йил тажрибага эга булган барча ЯТТ ва юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.3. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: танлов предмети қийматининг қаида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутаҳасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолятлар;

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қам булмаган ҳолла);

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликқа биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда муасислик қелишув, молиявий иштирок, қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши қерак;

\* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари,

тулов тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган. номерланган. ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқданган холда такдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси;

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар булади:

- таклифлар бериш муддати тугагунига қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учуй таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидагн Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни. хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак, шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклла тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли, суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловининг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларини такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади

Навоий шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиқ ўринбосари



Н.Каримов